



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 4 январь, № 3 (4156)

Пайшанба

«Кутлуг Янги йил бошланди. Жамики эзгу тилаклар, ойдек оппоқ ниятлар ила Янги — 2007 йилни қаршиладик.

Турмушимиз бундан-да фаровон, дастурхонимиз бундан-да тўкин, ризқ-насибамиз ҳамisha бутун бўлишини Яратгандан сўрасак-да, бироқ дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнат эканини яхши англаймиз. Зеро, ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, шамоллару довуларга дош беролмайди...



## РИЗҚИНГ БУТУН БЎЛСИН, ЭЛИМ

Бу кун оқликка бурканган, ризқ улашувчи далаларимиз ҳадемай кўм-кўк майса-зорга айланади. Бир ҳовуч кўк улкан хирмонларни бунёд этади. Илоҳо, бу кун дилга туккан орзулар амалга ошишини

қўзлаган эзгу мақсадларимиз шу ниҳоллардек бўй чўзин.

Кегейли туманидаги «Бахтли» фермер хўжалиги раҳбари Назберген Ерлеспесов бугдой ниҳолларини қўлига тутганда шун-

дай ўй-хаёллар оғушида бўлди.

Зеро, йил бошида қилинган эзгу ниятлар ўз мевасини берса не ажаб.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ  
(ЎЗА) олган сурат.

## Барака — меҳр-оқибатда

Қайси даврага қараманг, қайси одам билан гаплашманг, айтадиган гапларининг ичиди албатта «тинчлик» сўзи бўлади. Қариялар берадиган дуода «Илоё, юртимиздан фэйз-барака, тинчлик аримасин» деган ҳикматли сўзлар бор. Дастурхонга ўқилган фотиҳада «Тинч-омон бўлайлик» деган эзгу ният айтилади. Зотан, эл тинч бўлса, юрт тинч бўлса бир пиёла чойинг ҳам, бир тўғрам нонинг ҳам асалдай татийди. Тинчликнинг қадрини муқаддас билган халқимиз биз.

Янги йилдан бу элнинг яна бир сўрагани, «Илоё, топган-тутганимизга барака берсин». Ўзи емай боласига едирган, ўзи киймай боласига кийдирган бу эл топган-тутганига тўй қилади, дастурхон эзиб, ош беради. Ўғилларига суннат тўй қилиб, той миндириб, фарзандларининг бошини кўшиб, ўз жойига қўндирган ота-она бу дунёдан сўраганлари ёнига «Ўзидан кўпайсин» деган чиройли бир ниятни ҳам кўшиб қўяди. Ният қилган ниятига етсин доимо!

Барака қаерда бўлади, барака бир-бирини қўллаган элда, барака меҳр-оқибат кўрсатган жойда, барака ўз қаддини билади тутган юртда бўлади!

Оилавий байрам, дейдилар Янги йилни! Оиланинг ҳаққи кўп бу Янги йилдан! Бешиқларга бек болалар, Барчин қизлар йўракларини, бошларидан исриқлар айлантлар, аёллари келажакни алқаб-алқаб... Кўз тегмасин дейди, келажакка! Кўз тегмасин юртинг ўқимишли ёшларига, кўз тегмасин момолар-у буваларга, кўз тегмасин элга, юртга, Ўзбекистонга!

Мардон буванинг уч ўғли фермер, уч ўғлидан топган уч невараси чет элда ўқийди. Қуриганга гап бермайди: Биззи замон келди деб! Уч неварам элнинг хизмати қилади деб! Менинг отимни дунёга танитади деб! Янги йилда бува нақ 90 ёшга кирди, хали ҳам томорқасида кетмон чопади, йўқ, йўқчиликдан эмас, саломатлиги учун, кон юради дейди, кон тозаиради, дейди. Уйимни обод қилган, қад-

димни кўтарган шу кетмон дейди, шу меҳнат дейди! Меҳнатдан ҳеч ким кам бўлган эмас дейди маслаҳат сўраганларга. Меҳнат юртни обод қилади, меҳнат фаровонлик олиб келади, меҳнат бахт келтиради.

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи! Яхши гап, Янги йилда бир-биримизга соғинадиганимиз Сихат-саломатлик! Тани-жони соғ бўлсин, ҳар банданинг яхши нияти ёр бўлсин, бағри бутун, бор бўлсин!

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини тинглаб ўтириб, шу гапларни уйлади. Зеро, табрикнинг мазмуни ҳам уларимизга ҳамоҳанг эди. Шунинг учун ҳам дил сўзларимни қоғозга туширдим.

Ҳамид НОРКУЛОВ.

### Марғилон шахрининг 2000 йиллиги олдидан



2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили кутлуг тўйга қизгин ҳозирлик кўраётган марғилонликлар учун ҳам хайрли бошланди. Янги йилнинг илк кунларида шаҳардаги 1-оилавий поликлиника бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Барча кулайликларга эга бўлган муассасага даволаш ва ташхис қўйишда иштирокдаган энг замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Қайта таъмирланган мазкур оилавий поликлиника Ёйилма, Тоғлик, Пичоқчи, Ариқбўйи сингари ўндан зиёд маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатади. Ўтган йили Марғилонда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, шаҳардаги «Турғуқуй», еттита оилавий по-

ликлиника, ўқувчи ва ўсмирлар диспансери таъмирдан чиқарилди. Шошилич тиббий ёрдам маркази замонавий тиббий асбоблар ва транспорт воситалари билан таъминланди. «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича 2 миллиард 200 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун имкон даражасида ҳаракат қилишимиз, — дейди марказий шифохона бош врачси Миркомил Фозилов. — Тасарруфимиздаги барча тиббиёт масканларининг моддий-техника базасини мустақамлашмиз. Жорий йилда ҳам бир нечта янги шифо масканлари, врачлик пунктлари ишга туширилади.


М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири.

### ЭШИТДИНГИЗМИ



2007 йил бошига келиб Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллион 400 минг нафарга етди.

## Дахлдорлик тўйғуси



Яқинда мактабимиз ҳаёти ҳақида яратилган ҳужжатли фильм тақдиротини ўтказдик. Ўқувчиларимиз муаллимлари кўмағида яратган бу фильмда бир қатор талабаларимизнинг хоржиқ мамлакатларга ўқув сафари, билим даргоҳимизнинг уммон ортидаги мактаблар билан ҳамкорлиги туширилган тасвирлар ҳам бор эди.

Тақдиротда қатнашаётган ота-оналардан бири ўз фарзандининг чет элда ўзини тутиши, атрофдагилар билан бе-малол тиллаша олиши муҳрланган лавҳаларни кўриб, қувонганидан йиғлаб юборди. Бошқалар ҳам тадбирдан унутилмас таассурот билан қайтишди. Уларни кузатар эканман, бугунги кун мактаби, ўғил-қизларимизнинг қомил инсон бўлиб етишиши учун яратилган шароитларга ҳавасим янада ортди, шундай имкониятни берган истиқлолга шукрона айтдим.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда миллат келажаги бўлган ёшлар тарбияси, улар пухта билим олиши борасида амалга оширилётган хайрли ишларни кўриб, дилда эзгулик куртаклари ниш уради, кишида улугвор ишларга дахлдорлик ҳисси ортади. Чунки айни

Ҳусанбой ҚАЮМОВ,  
Мингбулоқ туманидаги 13-синф  
фанлар ва тилларга  
ихтисослашган  
мактаб-интернат ўқитувчиси.

## Истиқболга ишонч

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликдан кейин ўтган қисқа давр ичиди ҳаётимизнинг барча жабҳаларида асрларга татигулик ўзгаришлар юз берди. Ушбу муваффақиятларни қўлга киритишимизнинг замирида Юртбошимизнинг оқилона сиёсати, халқимизнинг меҳнатсеварлиги, эртанги кунга ишонч билан қараши ётибди.

Айтиш лозимки, ҳар қандай ислохотнинг самараси, аввало, унинг ушбу юрт гуллаб-яшнаши ва фуқаролар турмуш фаровонлигининг юксалиши билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан боънига етган 2006 йил ҳам юртимиз тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор

ўсишига эришилди. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизнинг реал иш ҳақлари, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг сезиларли кўпайишига имкон яратди.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда инсон онгу тафаккурини тубдан ўзгартириш, унинг ушбу эзгу ниятларга эришишдаги фаоллигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Мамнуният билан айтиш мумкинки, бугунги ҳаётда юртдошларимизнинг ички дунёси, маънавий олами тубдан ўзгариб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ортиб боёраётди.

Улуғбек ВАФОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати.

**5-боб. Яқинлашувчи қондалар**

15-модда. Низолатни ҳал этиш  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги низолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тартибда жавобгар бўлади.

17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш.

18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши  
Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 3 январь  
№ УРҚ — 76

**Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ**

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари  
2007 йил

да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўқинлик қилиш ёки аралашиб тақиқланади.

**6-модда. Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари**

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

Ахборотдан фойдаланиш тегишли материалларни эълон қилиш йўли билан ҳамда уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўёбга чиқарилиши орқали таъминланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Агар орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ўзига мурожаат этган нодавлат нотижорат ташкилотига сўров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши, шунингдек имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари нодавлат нотижорат ташкилотларига бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ҳамда бошқа материаллар билан танишиб чиқиш

имкониятини яратиб бериши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот берилди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**7-модда. Мулк ҳуқуқи кафолатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулк ҳақсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкни национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**3-боб. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

**8-модда. Ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан раққиди берилишини суд тартибда талаб қилишга ҳақли.

Агар нодавлат нотижорат ташкилотининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раққиди берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан юборилган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки қақриб олиниши керак.

Ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган нодавлат нотижорат ташкилотини бундай маълумотларга раққиди берилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Муносабат

Айтиш жоизки, "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" концепциясининг ишлаб чиқилиши ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиши маънавият соҳасидаги катта ютуқларимиздан бирidir. Зеро, ўқув муассасаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган бўлиб, у халқимизнинг миллий манфаатлари ва эзгу мақсадларига тўла мос келади.

Тажовузга қарши маърифат

Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб турган оламдаги ўзгаришлар, ривожланишлар жараёнидан ажралиб, уларни ҳис этмасдан яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий қучлар фаолиятида содир бўлган турли ҳодиса ва жараёнлар, айниқса, гоёвий ҳамда мафкуравий омиллар инсон онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этмасдан қолмайди. Бинобарин, ҳар қандай гоё муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддаolari, манфаатлари замирида шаклланди ҳамда такомиллашиб боради. Хусусан, миллий гоё ҳам миллат манфаатларини, халқнинг орузинтилишларини ўзида мўжассамлаштиради. Чунки миллат ҳуқуқи ва иззат-обрўи, шон-шухрати, гурури-ифтихори туйғулари миллат қиёфасини белгиловчи устувор тамойиллардир.

Бугунги кунда фуқароларнинг ахтиёж ва манфаатлари, мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи устувор гоё озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш орқали қондирилишидек оммабop мақсад асосида намoён бўлмоқда. Бу ҳам бизнинг миллий менталитетимизга хос хусусиятдир. Ушбу хусусиятлар миллий гоё ва мафкуранинг мақсади, моҳияти ҳамда мазмунига тўлалигича сингдирилган. Мафкураимизнинг "Миллий мафкура" деб, гоёмизнинг "Миллий гоё" деб аталишида ҳам жуда катта маъно бор. Энг аввало, унинг фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки Ўзбекистондаги барча халқлар ва миллатларнинг умумий мақсад ва манфаатлари йўлида бир ҳилда, айирмачиликсиз хизмат қилишини билдиради. Иккинчидан эса, миллий мафкура мустақилликнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий заминларини мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштиришни таъминлайдиган омиллардан бўлиб ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай мафкура халқ маънавий-руҳий ахтиёжлари ҳамда манфаатларини, миллий анъаналари ва турмуш тарзини ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсирчан бўлади.

Бинобарин, миллий гоё — халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўзи олдига қўйган мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган гоё экан, демак, ўз-ўзидан англандики, бу гоё ўзида ахтиёж ва манфаатларини, миллий хусусиятларини уйғунлаштирадиган омилларга ҳам таънади. Бу омиллар эса миллийлик ҳамда унинг ҳаётбахш қадриятлари устувор бўлган гоёлар тизимидан иборат бўлган мафкурада мўжассамдир. Ўз навбатида миллий мафкура ҳам, энг аввало, ҳаётга эндигина қадам қўйётган ёш авлод ҳаётида янгила маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Зеро, ёшлар фақат миллий гоёни мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида англайдилар. Ёшлар табиатин турли гоёларга қизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар. Миллий мафкура ҳали турмушнинг аччиқ-чуқлигини татиб қўрмаган, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ана шу авлоднинг миллий тараққиётимиз манфаатларига ёт бўлган сохта ва бузғунчи гоёлар тажовуздан ҳимоя қилади.

Биз ўн беш йиллик тараққиёт давомида буни чуқур ҳис қилдик. Амалга оширилаётган ислохотлар нафақат сиёсий тизимни янгилади, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар ясади, балки одамлар тафаккурини ҳам қадам-бақадам ўзгартириб бормоқда. Одамлар ўтмишини ҳозирги кун билан қиёслаб кўрмоқдалар. Эришилган ютуқларнинг моҳиятини ва аҳамиятини англашга ин-

га доимий дахлдорлик ҳиссининг етишмаслиги, нима ёлғону, нима бўҳтон, ҳақиқатни англаб етиш ҳиссининг йўқлиги "демократияпараст"ларга, айниқса, қўл келмоқда. Президентимизнинг "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қароридан таъкидланганидек, халқаро майдонда мафкуравий, гоёвий ва ахборий курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш ниҳоятда муҳимдир. Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини кучайтириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф тугдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунингдек, ушбу ҳужжатда юртимизда фаолият юритаётган газета ва журналлар, теле ва радиоканаллар бу масалада етакчи роль ўйнаши алоҳида қайд этилган. Улар Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғиботи марказида амалга оширилган илмий излаш ишлар натижаларини, таҳлилий материалларни, ҳалқаро даражасида белгилаб берилган устувор вазиёларнинг кенг жамоатчиликка етказишда етакчи куч бўлмоғи даркор. Хулоса ўрнида шунини айтиш керакики, ҳар бир юртдошимиз миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига ўз улушини қўшиши, "Ёт мафкура"ларга ўзининг "мафкуравий иммунитетини" қарши қўя олиб, миллий гоё ва мафкура тарғиботчиси бўла олсин.

Азамат МУХТОРОВ, Фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ижтимоий дастурлар тақдимоти

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини асраш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни оилавий шароитда ҳам иш билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани ҳеч кимга сир эмас. "Ижтимоий ҳимоя йили" арафасида мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор нодавлат-нотижорат жамоатчилик жамғармалари бу борада ўзларининг грант дастурлари ҳамда ижтимоий лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

По йтахтимиздаги "Radisson SAS" меҳмонхонасида "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди", "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ва "Хотин-қизлар кенгаши" жамоатчилик бирлашмалари қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ўзларининг янги ташаббус ва режаларини ҳам эълон қилди. Эътиборлиси, мазкур ташкилотларнинг шу кунгача амалиётга татбиқ этган лойиҳалари бевосита жамоатчилик фикри ва қизиқишлари асосида юзага келган. Утган йилнинг октябр ойида ташкил қилинган "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди" кенг жамоатчилик ва турли ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз лойиҳаларини ишлаб чиқди. Аниқ режага асосланган мазкур лойиҳалар саломатлик, таълим, ижтимоий ҳимоя ва экология йўналишларини қамраб олади. Унга кўра репродуктив ёшдаги аёллар ва болаларнинг тиббий билимларини ошириш, ОИТС ва гивҳандликнинг ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш, мактаб

ва болалар боғчаларида инклюзив таълимни жорий қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларга фойсиз микрокредитлар ажратиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги Учсой қишлоғи аҳолиси учун сув қувурларини ўтказиш каби лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. — Менинг лойиҳам мазкур жамғарманинг грантига сазовор бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти тадбиркорлик аёллар уюшмаси раиси М.Мирбаратова. — Унинг жамғарма кўмағида ҳаётга татбиқ этилишидан хурсандман. Лойиҳадан илгари сурилган мақсад эндигина тадбиркорликни бошлаган аёлларнинг қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзгор юмушлари билангина чегараланиб қолмай, ўз оиласига моддий наф келтиришни таъминлашдир. Жамғарма томонидан ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. "Саломатлик плюс экология", "Врач эндокринологлар ассоциацияси", Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси,

"Ҳаёт" нодавлат нотижорат ташкилоти, Кредит бирлашмалари ассоциацияси каби ташкилотларнинг жамғарма билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шунингдек, "Меҳр нури" хайрия жамғармасининг 2006 йилда эълон қилган грантлар дастурида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан 135 нафар аёл иштирок этди. "Тадбиркор аёллар учун оилавий бизнесни ривожлантириш дастури грантлари" ҳамда "Кичик ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятини ривожлантириш грантлари дастури" номли ушбу танловларда 17 та бизнес-режа ҳакамлар ҳайъати томонидан танлаб олинди, махсус муқофотлар билан тақдирланди. Тадбир давомида "Хотин-қизлар кенгаши" жамоатчилик бирлашмаси томонидан вилоятлардаги бўлимлар фаолиятлари соғвалар топширилди. Эътиборлиси, ушбу соғвалар янги йил байрами арафасида мамлакатимиздаги ҳам таъминланган оилалар фарзандларига етказилди.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

«Орол» лойиҳаси:



Иккита битим имзоланди

баённома имзоланади. Шу вақтга қадар компания-операторнинг таъсис ҳужжатлари, Низомини тайёрлаш ва уни ниҳоясига етказиш, Ўзбекистон Республикаси давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини тугаллаш режалаштирилди. 2007 йилнинг февраль ойи ўрталарида сейсмик қидирув ишларини бажарадиган пудратчини танлаш бўйича тендерни яқунлаш ва сейсмик қидирув ишларини эса 2007 йилнинг март ойида бошлаш кутилмоқда. Махсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим кучга киришининг кутилаётган муддати — 2007 йил январь ойининг учинчи ўн кунлиги. Бу даврга келиб, махсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим кучга кирганлиги тўғрисида Ўзбекистон ҳукумати ва Консорциум ўртасида

Сел сувлари жиловланмоқда

Бойсун туманидаги Хангаронсой сув омбори қурилиши 1999 йилда бошланган эди. Лекин айрим сабабларга кўра 2002 йилга келиб, бу ерда қурилиш ишлари тўхтаб қолди. Орадан уч йил ўтгач, сув омборининг биринчи навбати қурилиш учун 1500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шундан сўнг қурилиш ишлари қайтадан бошланиб кетди.



Айни пайтда келиб "Тузалангез-сувқурилиш" очик акциядорлик жамияти томонидан сизими 1,5 миллион метр куб булган мазкур сув ишоотининг биринчи навбати қуриб битказилди. Қурувчилар баяндашди 25 метр булган тўғони фойдаланишга топширдилар. Вақтинчалик сув олиш ишооти қурилиши ҳам яқунланди. Шунингдек, доимий сув ўтказиш ишоотининг 190 метри қуриб бўлинди. — Маблағ ва қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилиши учун қурилиш-монтаж ишлари режадаги вақтда сифатли қилиб ўддаланди, — дейди 4-қурилиш бригадаси бошлиғи Эркин Турдиев. — Қурилишда ҳозир ҳар кун 160 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилмоқда. Хангаронсой сув омборида асосан тоғдан келадиган сел сувлари йилгачади. Ишоотининг биринчи навбати ишга туширилиши туфайли бойсун туманидаги 200 гектар далаи ерни ўзлаштириш имкони пайдо бўлди. Сув омбори тўла қурилиб булгач эса минг гектар ерда сугориладиган экинлар экишга шароит яратилади.

СУРАТЛАРДА: сув омбори қурилиш участкаси бошлиғи Саидумар Холов, муҳандис Бахтиёр Абдурахимов, бош муҳандис Сафар Нормуродов ва қурилиш бригадаси бошлиғи Элбек Қобулов навбатдаги иш режасини муҳокама қилишмоқда; Хангаронсой сув омборининг умумий кўриниши. Искандар ХУҲАЕВ (ўЗА) олган суратлар.

9-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш  
Нодавлат нотижорат ташкилотининг интеллектуал фаолиятнинг объектив ифода этилган натижаларига ва унинг хусусий аломатларини ақс этиришни воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинади.  
10-модда. Давлат органларининг фэйриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг фэйриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракат-сизлигидан) ҳимоя қилиш  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг фэйриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг фэйриқонуний ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг фэйриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг фэйриқонуний ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.  
Давлат органларининг фэйриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг фэйриқонуний ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) натижасида нодавлат нотижорат ташкилотига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланиши керак.

нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.  
3-модда. Ушбу Қонуннинг айрим нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари  
Ушбу Қонун ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, нодавлат нотижорат ташкилотларига, шу жумладан қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан, агар уларнинг ташкил этилишини ҳамда фаолиятини тартибга солуви бошқа қонунларда ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади.  
4-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кафолатлари  
Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилайди.  
Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.  
2-боб. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий кафолатлари  
5-модда. Фаолият эркинлиги кафолатлари  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз устидан белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкин.  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида  
Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган  
1-боб. Умумий қондалар  
1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади  
Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.  
2-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонун ҳужжатларидан иборатдир.  
Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг нодавлат


Давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини бошқа жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.  
12-модда. Давлат субсидияси  
Давлат субсидияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, давлат мақсадили жамғармалари маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа моддий кўмақдир.  
Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат субсидияларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.  
13-модда. Давлат гранти  
Давлат гранти нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.  
Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат грантларини ажратиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.  
14-модда. Давлат ижтимоий буюртмаси  
Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириқидан иборатдир.  
Нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

# ЖАҲОН

**24 соат  
ичида**



по этишга ҳаракат қилмоқда.



Россия Эрон томонидан буюртма қилинган «Тор-Мит» русумли зенит-ракетга мажмуасининг ярмини етказиб берди.



у ердан ўз она юртига қайтарилади. Ўз навбатида, Исроил тарафи мамлакат қамқоқоналариди аёллар ва ўсмирларни озод этади.



Грузия 2008 йилдан Туркиядан йилга 800 миллион кубометр газ сотиб олишни бошлайди.

Испания ҳукумати ЭТА билан мукооралар тўхтатилишини маълум қилди. Мамлакат Ички ишлар вазири Игуалсунга билдиришича, шаба кунни Мадриднинг Баракс аэропортидаги машиналар тўхташ жойида амалга оширилган террорчилик ҳуружидан сўнг ҳукумат шундай қарорга келган. Эслатиб ўтамиз, ЭТА мамлакат шимолида мустақил давлат бар-

Россия Эрон томонидан буюртма қилинган «Тор-Мит» русумли зенит-ракетга мажмуасининг ярмини етказиб берди. Мазкур замонвий ҳарбий қурилма мамлакатдаги стратегик объектларни, жумладан, Исфаҳон ва Бушердаги ядровий тадқиқотлар марказларини ҳаво ҳужумидан муҳофизат қилади. Мазкур ракетани тизимини етказиб бериш юзасидан Россия расмий Техрон билан 2005 йил декабрь ойда шартнома имзолаганди. Унинг умумий қиймати 1,4 миллиард долларни ташкил этади.

«ХАМАС» Исроилга қадрли Гилад Шалитни бериш эвазига 450 нафар мажбусли озод этиш шартига рози. Қадрли ўтган йил 25 июнда гаровга олинган. Ҳазор келишувга кўра, дастлаб «ХАМАС» Шалитнинг тириклиги тўғрисида видеотасмани расмий Тель-Авивга тақдим этади. Сўнгра қадрли Мисрга ва ердан ўз она юртига қайтарилади. Ўз навбатида, Исроил тарафи мамлакат қамқоқоналариди аёллар ва ўсмирларни озод этади.



Ривожланиётган мамлакатлардаги ёшлар учун арзон ноутбуқлар тез орада бозорга чиқарилади.



«Газпром» «Белтрансгаз»нинг 50 фоиз акциясини 2010 йилнинг ўрталарида қўлга киритади.

Жорий йилнинг 1 январидан Россия БМТ Хавфсизлик Кенгашига раислик қилмоқда. Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркин кенгаш раҳбари сифатида келгусида қилинадиган ишлар режасини аъзолар билан муҳокама этади. Бундан ташқари, у БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун билан ҳам учрашди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур учрашув чоғида у Бош қотиб билан Хавфсизлик Кенгашининг 8 январда бўлажак йигилиши кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан гаплашиб олган.

Хитой яқин 15 йил ичида 40 та янги ядро реактори қуришни режалаштириётганини маълум қилди. Мамлакатда иқтисодиётнинг тез суръатларда ўсиши энергетика тақчиллигини келтириб чиқармоқда. Хитой ҳукумати вақили ядро энергетикасини ривожлантириш хориждан нефть импортининг қисқартирилишига олиб келишни таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатда асосий муаммо иқтисодиётни энергетика билан таъминлашдир.



Жаҳон бозориди нефть нархи тушмоқда.

Биржаalarda бир баррель нефть 61 долларга баҳоланди. Кузатувчилар АКШдаги мўтадил об-ҳаво бунга сабаб бўлаётганини таъкидлашмоқда. Шу сабабли ОПЕКга аъзо давлатлар 1 февралдан нефть қази олишни кунига 500 минг баррелга камай-тирмоқчи.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# Ўзбекистон-Япония: 2006 йил сарҳисоби

